

ИСЖТ УЙНЙФБ!БДБСШБ!УЙ БУФ !ЪУ ШЙ! БИРНБДФБДЙ!  
ИНБ I БНБД ДРЙ )БНЙ ЖОРБ ЙК!БУБДНБДЙ!I ЙУ НЙФБ)

Б б бнз р!Бв тбм н Фнбд !

Андижон давлат университети

### БРР УБЧЙЬ

Ушбу мақолада Навоий асарларида қўлланилган арабча ўзлашма сўзларнинг турли вазн(қолип)лардан ҳосил қилинган шакллар таҳлил қилинган.

**Лбм z! т имбд** Навоий, арабча, вазн, қолип, феъл, сўз, туркумлар, от, сифат, сифатдош, куруллар, номлар.

### ABSTRACT

Formed forms from various rhythm models borrowed Arabic words that were used in Navoiy plays are analyzed in the article.

**Keywords:** Navoiy, Arabic, rhythm, model, verb, parts, of speech, noun, adjective, participle, means, names.

### ЛЙДЙ

Ўзбек тили луғат таркибининг бойишида ташқи манбаларнинг аҳамияти муҳим. Сўз ўзлаштириш ҳодисаси халқлар ўртасидаги турли хил иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муносабатлар асосида юзага келади. Ўзбек тили лексикасининг арабча сўзлар қатлами тарихий-анъанавий усулда ўзлашган.

Арабча сўзларнинг ўзлаштирилиши VIII асрдан бошланиб, IX-X асрларгача анча фаоллашган. Араб тилидан сўз ўзлаштиришга олиб келган омиллар қуйидагича: аввало, араблар истилоси, ислом динининг кенг тарқалиши, қолаверса, араб ёзувининг қўллана бошланганлиги, мадрасаларда араб тили ўқитилиб, олим-у фузалоларнинг араб тилида ижод қилиши, туркий-араб икки тиллигининг таркиб тўганлигидир [2:55].

### БФБСЙ УНБДУБ НЙНЙ Б!ЖУ F N ДЙЬ

Ўзбек тили лексикасида арабча умумистеъмолдаги сўзлар кўъчиликни ташкил этади. Айниқса лексикада от сўз туркумига мансуб сўзларнинг миқдори юқори. Уларнинг ўзига хос семантик хусусиятлари мавжуд. Арабча сўзлар кўъроқ илмий, диний, ахлоқий, таълимий, мавҳум тушунчаларни ифодалайди. Тилимиздаги арабча ўзлашмаларнинг бир гуруҳи маъно қийматини ўзгартириб,

этимологик маъно ва тушунчаси билан боғлиқ бўлмаган бошқа сўзга айланган, ёхуд маъно кенгайиши ва маъно торайиши юз берган.

Араб тилида феълдан ҳосил бўлган, ҳам феълга, ҳам сифатга хос хусусиятларни намоён қилувчи сўзлар - “феълдан ясалган отлар” сифатдошлар саналади: *котиб, муаллим, мансур, мавҳум, мазкур, мутаносиб* каби. Ўзбек тилида сифатдошлар замонга қараб ўзгарса, араб тилида аксинча - ўтган ва ҳозирги-келаси замон учун бир хил шаклга эга.

Арабча феълнинг сифатдош шакли ўзбек тилида феълнинг сифатдош шаклига тенг, лекин кўй ўринда сифатга тўғри келади [4:3]. Масалан: *мўҳмал – ноаниқ, мағрур, мулойим, мухтасар, мунофиқ, махсус, марҳум* каби. Лекин араб тилида сифатдошлар масдарлар, сифатлар, ўрин ва ъайт номлари, иш-қурол, касб-ҳунар номлари билан бир қаторда исмлар – феълдан ясалган отларни ташкил этади.

## РБҲҲЗ БНБД

Сифатдошларнинг аниқ ва мажҳул шакллари мавжуд бўлиб, улар турли вазнларда ҳосил қилинади.

Сифатдош ясовчи вазнлар қуйидагича: I бобда “*фоил*” аниқ, “*мафъул*” мажҳул, II бобда “*муфаъил*” аниқ, “*муфаъал*” мажҳул, III бобда “*муфоъил*” аниқ, “*муфоъал*” мажҳул, IV боб “*муфъил*” аниқ, “*муфъал*” мажҳул, V боб “*мутафаъийил*” аниқ, “*мутафаъал*” мажҳул, VI боб “*мутафоъил*” аниқ, “*мутафаъал*” мажҳул, VII боб “*мунфаъил*” аниқ, “*мунфаъал*” мажҳул, VIII боб “*муфтаъил*” аниқ, “*муфтаъал*” мажҳул, IX боб “*муфъилл*”, аниқ, “*муфъалл*” мажҳул, X боб “*мустафъил*” аниқ, “*мустафъал*” мажҳул каби вазнлар мавжуд.

I боб феълнинг аниқ даража сифатдоши “*фоил*” шаклида ясалади ва ўзбек тилига “...ган”, “... ётган”, “... кан”, “... қан” сифатдош қўшимчалари билан ёки “...чи” отлашган қўшимчаси билан таржима қилинади ва ҳозирги замонни англатади.

*I боб фоил* вазнида: ворис – мерос олувчи, восил - етувчи, соҳиб - суҳбат қилувчи, нотиқ-сўзловчи, ошиқ - севувчи, зоҳид - ибодат қилувчи каби. Масалан: Не бўлмай кўруб пири *кошиф* мени [7,491]. Мисрадаги “*кошиф*”- очувчи, кашф қилувчи маъноларини ифодалайди.

I боб феълнинг мажҳул даража сифатдоши эса “*мафъул*” шаклида ҳосил қилинади ва феъл ифодалаган иш-ҳаракат объекти бўлган предметни ёки ўша иш-ҳаракат натижасида ҳосил бўлган натижани (иш-ҳаракат натижасини) билдиради.[9,147]

I боб мафъул вазнида: малум - малолланган, маълум-билинган, мамнун-миннатдор, мамнунъ - ман этилган, манзум-тузилган, маншур-ёйилган, манкул-айтилган каби. Масалан:

Залолат кўйининг *махзун*лариға, Жаҳолат даштининг *мажнун*лариға. [1,7] Байтдаги “махзун”- ҳафа бўлган, “мажнун”- ақлдан озган маъноларини билдиради.

Аниқ ва мажҳул нисбатга хос грамматик хусусиятлар барча бобдаги сифатдошларга тегишли бўлиб, аниқ нисбат субъектни, мажҳул нисбат – ҳаракат объекти бўлган предмет ёки натижани кўрсатади: *катиб*(ун) –ёзувчи, ёзадиган; *мактиб*(ун) – ёзилган каби.

II боб *муфаъил* вазнида: мурағиб - рағбатлантирувчи, муассир -асир бўлган, муфаттин –сеҳрловчи каби. Масалан: Эй мусулмонлар, не кофир кўз, *муфаттин* қош эрур. [3,11] Мисрадаги “муфаттин”- сеҳрловчи, фитналанган, гўзал маъноларини ифодалайди.

II боб *муфаъал* вазнида: мураввақ-тиник, мусаффо, муравваҳ- салқин, боҳаво, мураккаб-тартибланган, мулаққаб-лақабланган, мураффаҳ-осуда, ором каби: Масалан: Келур ул сарвким гуллар *мулавван* қилди гулшанни, [3,116]. Мисрадаги “мулавван” –ранг-баранг маъносини билдиради.

III боб *муфоъил* вазнида: мубориз - полвон, якка курашувчи, мужодил-тортишувчи, мусоид-ёрдам берувчи, мусоҳиб- суҳбатдош каби. Масалан: Ки, лўъбатларинг-ўқ санга бас мусоҳиб. [5,34] Мисрадаги “мусоҳиб”- суҳбатдош маъносини билдиради.

III боб *муфоъал* вазнида: муотаб - таъқиб қилинган, мушорак-шерик бўлган, муроқаб - кузатувчи каби. Масалан: “Шайх Имрон турмади ва дедик, муотаб кишидурмен”. [12,104]

IV боб *муфъил* вазнида: муфлис- камбағал, муфид-фойдали, муфсид-зарарли, мухбир-хабар берувчи, мушкил-қийин ишлар ва қийин ижодларни ёқтирувчи одам, муъжиз - ожизлантирувчи каби. Масалан: *Муфлис* бўлмоқ тараб заволи бўлғай, [11, 131] Бу мисрадаги “муфлис” – камбағал, ночор маъноларини ифодалайди.

IV боб *муфъал* вазнида: мулсақ - жипслашган, мулзам-сукут қилган, музмар-яширинган, мудрак-идрок қилинган, мубҳам-яширин, ноаниқ каби.

“бу мужмал мазкур бўлгон фазойилдинки, тафсили...” [12,71]. Байтдаги “мужмал”–қисқача изоҳ, умумий изоҳ маъноларини ифодалайди.

*V боб мутафаъил вазнида:* мутааззир - қийин, узрли, мушкул, мутаайин-тайинли, аниқ, мутааххир-кейинги, кечиккан каби. Масалан: “Сипоҳийликдин *мутанаффир* эрмишлар”. [11,71] Байтдаги “мутанаффир” – нафратланувчи, жирканувчи, безор маъноларини билдиради.

*V боб мутафаъал вазнида:* мутабаррак – табурук, мутасаввар-тасаввур мутақаддам-олдинги, мутаважжаҳ-юзланган, мутамаккан-жойлашган каби. Масалан: Хаёлидур *мутазаррар* кўнгулда оҳимдин. [6,199] Мисрадаги “мутазаррар”-зарар кўрган, зарарли маъноларини билдиради.

Яна, “...навкар ва мутааллақлар улуфасиға ва черик яроғиға сарф қилдим.” [10,196]. Жумладиги “мутааллақ”-тааллуқли, тегишли, даҳлдор, оид каби маъноларни билдиради

*VI боб мутафаъил вазнида:* мутааллиқ-тааллуқли, муаммил-ўйловчи каби. Масалан: Ўпмак изингни йўқ ҳаддим, аммо хаёл ила Лаълингни ёлқитур мутаоқиб мучакларим. [5,253] Байтдаги “мутаоқиб” – кетма-кет, орқама-орқа, бирин-кетин маъноларини ифодайди.

*VII боб мунфаъил вазнида:* мунташир-ёйилган, мунқатий-кесилган каби. Масалан: Қаддин сарв *мунфаил* эрди. [10,252] Мисрадаги “мунфаил” – таъсирланган, ҳаяжонланган, уялган каби маъноларни беради.

*VII боб мунфаъал вазнида:* Бир кишини офариниш дафтаридин *мунтахаб*. [10,6] Мисрадаги “мунтахаб” – танланган сараланган маъноларини беради.

*VIII боб муфтаъил вазнида:* мунтазир-кутувчи, мунтазим-тартибланган, мунқасим-тақсимланган каби. Масалан: Хони латойифқа сўзи *мунқасим*, Дурри маонийға тили *мунтазим*. [6,68] Байтдаги мунқасим – тақсимланган, мунтазим - назм қилинган маъносини билдиради.

*IX боб муфъилл вазнида:* муқир (р)-иқроқ бўлган, муҳик(қ)-ҳақли, муносиб, лойиқ каби. Масалан: Фурқат аҳлиға тонг эрмас бўлса ашъори *муриқ(қ)*. (6,199). Мисрадаги “муриқ(қ)”- юмшатувчи, эритувчи (кўнгилни) каби маъноларни билдиради.

*IX боб муфъалл вазнида:* муштақ(қ)-бошқа сўздан олинган, муртад(д)-қайтган, мусин(н)-кекса, ёши улуғ каби. Масалан: Жузв-жузвимни, фиғонким, *мунфак(қ)* этти тийғи ҳажр [1,31] Мисрадаги “мунфак(қ)” – ажратилган, айрим-айрим қилинган маъноларини билдиради.

*X боб мустафъил вазнида:* мустаҳик-ҳақ бўлган каби. Масалан: Ҳар нечаким, *мустаҳик* ўлсун азиз, [8,8]

*X боб мустафъал вазнида:* мустағрақ - ғарқ бўлган, мустаҳсан-яхши бўлган каби. Масалан: Кимсага бу заъфи *мустаҳсан* эмас [12,135]

“*Муфъалл*” ва “*муфъилл*” вазнлари араб тилида иккиланган ундошли феъллар турига киради. Алишер Навоий асарларини жорий ёзувга ўтирилган тўпламларда бундай сўзларнинг битта ундоши сўз охирида келганлиги учун тушириб қолдирилган. Чунки, ҳозирги ўзбек тилида бундай сўз шакллари йўқ.

## ЦФН УБ

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Навоий ўз асарларида туркий тил билан бирга арабча сўз туркумларини ҳам қўллаган. Улар турли хил луғавий-маъновий ва услубий-семантик функцияларни бажарган, асар таъсирчанлигини, муסיкийлигини, бадииятини юксак даражага кўтарган.

Алишер Навоий асарларидаги арабча сўз туркумларини ўрганиш ва тушинишимиз, сўз ясовчи вазнларни билишимиз, шоир асарларини янада чуқурроқ англашмизда кўмакчи вазифасини ўтайди деб ҳисоблаймиз. Ёшларнинг Навоий асарларини етарли даражада билишлари эса, маънавий етук бўлишлари учун муҳим омиллардан бири десак адашмаган бўламиз.

## REFERENCES

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. —Тошкент: “Фан”, 1983 (31-бет)
2. Po‘latova D. Mahmud Toir she’riyati leksik xususiyatlari. Fil.fan.nom.. Dissertatsiya. Navoiy. 2014. 55-58-bet.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. —Тошкент: “Фан”, 1988
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. —Т.: Университет, 2003, 3-б
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Бешинчи том. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. —Тошкент: “Фан”, 1988 (253-бет)
6. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Олтинчи том. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. —Тошкент: “Фан”, 1990 (199-бет)
7. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн биринчи том. Хамса. Садди Искандарий. —Тошкент: “Фан”, 1993.
8. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Фарход ва Ширин. —Тошкент: “Фан”, 1992

9. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. 1- жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1997. –Б. 147.
10. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн тўртинчи том. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. —Тошкент:. “Фан” , 1998 (6-бет)
11. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн бешинчи том. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. – Тошкент:. “Фан” нашриёти, 1999
12. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Насойим ул-муҳаббат — Тошкент:. “Фан” , 1992
13. Мустафакулов, А. А., Халилов, О. К., & Уринов, Ш. С. (2019). Цель и задачи самостоятельной работы студентов